

ЎЗБЕКИСТОН ФАРМАСЕВТИК ХАВАРНОМАСИ

1
2018

ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ВЕСТНИК УЗБЕКИСТАНА

FARMASEVTIKA ISHINI TASHKIL ETISH
VA DORI VOSITALARI TEXNOLOGIYASI

FARMAKOGNOZIYA VA
FARMASEVTIK KIMYO

DORI VOSITALARNING
NOJO'YA TA'SIRLARI

FARMINSPEKSIYA
MA'LUMOTLARI

FARMAKOLOGIYA

СТАНДАРТИЗАЦИЯ

КОНТРОЛЬ

РЕГИСТРАЦИЯ

МУНДАРИЖА

РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 23 март 213 – сон қарори “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техникани давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”..... 5

ФАРМАЦЕВТИКА ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ф.А. Мирбабаев, К.К. Шадманов. Дори воситаларни яратишда математик моделлардан фойдаланиш ва юмшоқ ҳисоблашлар усулларини тағбиқ этиш..... 28

Ш.Н. Мадрахимов, О.Р. Раҳимова, Г.Р. Раҳимова, Ш.Ш. Сағдуллаев. Аллергодаф таблеткасининг технологиясини ишлаб чиқиш ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш..... 33

ФАРМАКОГНОЗИЯ ВА ФАРМАЦЕВТИК КИМЁ

Б.А. Нигматуллаев, Б.А. Абдурахмонов, Г.Б. Сатимов, Т. Раҳимова. *Silybum marianum* (l.) Gaertn (Asteraceae) ўсимлигини Тошкент шароитида маданийлаштириш..... 38

Г.М. Дусчанова, Б.А. Нигматуллаев, Б.А. Абдурахмонов, Г.Б. Сатимов, Т. Раҳимова. *Silybum marianum* (l.) Gaertn. (Asteraceae)нинг вегетатив ва генератив органларининг анатомик тузилиши..... 40

Н.С. Бекназарова, С.Д. Махмудов, Н.Н. Абрекова, Н.Э. Маматмусаева, Б.Т. Сағдуллаев. *Rumex confertus* ўсимлигидан ошловчи моддаларни ажратиш..... 44

С.Д. Махмудов, Н.С. Бекназарова, Н.Э. Маматмусаева, Б.Т. Сағдуллаев. Отқулок (*Rumex confertus*) ўсимлигидан ажратилган ошловчи моддаларни стандартлаш..... 49

Г.А. Аҳмадова, И.К. Азизов. *Amaranthus caudatus* L. уруғидан мой ажратиб олиш, унинг физик-кимёвий хоссаларини ва кимёвий таркибини ўрганиш..... 54

ФАРМАКОЛОГИЯ

А.Д. Абидова, А.Т. Раҳимов, Г.Т. Бердияров, С.О. Гадоев, Н.Е. Цеомашко. Қора мол талоғи-тукима препаратларини тайёрлаш, биоген стимуляторлар билан солиштириш ва баҳолаш..... 57

М.Ж. Аллаева, Г.Ю. Джанаев, Д.Д. Ачилов. *Achillea millefolium* L. ўсимлиги қурук экстрактининг конивиш жараёнига таъсирини ўрганиш..... 61

С.Н. Умурзакова, Н.А. Юнусходжаева, И.Т. Хасанов, Б.А. Имамалиев. «Гемостав» суюқ экстрактини ўткир захарлилигини ва гемостатик активлигини ўрганиш..... 64

З.З. Ҳакимов, А.Х. Раҳманов, А.А. Туляганов. «Асфервон»нинг беззарарлигини клиник олди ўрганиш..... 69

ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ НОЖЎЯ ТАЪСИРЛАРИ

Янгиликлар..... 74

ФАРМИНСПЕКЦИЯ МАЪЛУМОТЛАРИ

Қўллашга яроқсиз дори воситаларининг рўйхати..... 78

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги фармацевтика фаолиятини лицензиялаш ҳайъати кенгаши маълумотномаси..... 81

ДОРИ ВОСИТАЛАРИ ВА ТИББИЙ БУЮМЛАРНИ ҚАЙД ЭТИШ ВА ҚАЙТА ҚАЙД ЭТИШ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида қўлланишга рухсат этилган дори воситалари Давлат Реестринга қўшимчалар. (2018 йил I- чорак)..... 89

Ўзбекистон Республикасида тасдиқланган меъёрий - таҳлил ҳужжатлар рўйхати..... 150

ФАРМАЦИЯ ВА ТИББИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Кизиқарли қисқа маълумотлар..... 151

With a three-day administration of these preparations under the skin to 60 day-old rabbits, activation of the metabolic activity of blood leukocytes of animals was established during the NCT test and a pronounced increase in body weight of the animals, with no symptoms of intoxication.

Key words: biogenic growth stimulants, nucleopeptides, agarotcane preparation, NST-tes.

УДК 615.32: 615.038

М.Ж. Аллаева, Г.Ю. Джанаев, Д.Д. Ачлов

ACHILLEA MILLEFOLIUM L. ЎСИМЛИГИ ҚУРУК ЭКСТРАКТИНИНГ ҚОН ИВИШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ СУХОГО ЭКСТРАКТА ACHILLEA MILLEFOLIUM L. НА СВЕРТЫВАЮЩЕЕ СИСТЕМЫ КРОВИ

Тошкент тиббиёт академияси

Сухой экстракт тысячелистника таволголистого в дозах 50, 100 и 200 мг/кг уменьшает время кровотечения и количество кровотока и увеличивает процесс свертывания крови у лабораторных крыс. Было выявлено, что препарат в дозе 100 мг/кг обладает более выраженным гемостатическим эффектом.

Следовательно, изучаемого сухого экстракта можно рекомендовать при геморроидальных, маточных кровотечениях.

Мавзунинг долзарблиги. Табиий ўсимликлардан олинган поливалент таъсир механизмига эга дори моддалари таркибида дубил моддалар, С-, К-, Р- витаминлари, эфир ёғи ва бир канча специфик моддалар (алкалоидлар, спиртлар, туйинмаган ёғ кислоталари, яримфеноллар ва бошқалар) мавжудлиги аниқланган [1, 7].

Бу моддаларнинг геморрагияларда таъсир механизми етарлича аниқланмаган бўлса ҳам кўпгина сурункали кон кетишларда муваффақиятли қўлланилиб келинмоқда. Ўсимликлар таркибидаги моддалар йиғиндиси кон-томирлар деворига стабилловчи таъсир кўрсатиб, капиллярлар чидамлилигини оширади. Улардан бир қисми тўғридан-тўғри кон ивиш жараёнига таъсир кўрсатади. Қон тўхтатиш мақсадида гангитувчи бозулбанг ўсимлиги барги ва гулларидан, кичитки ўти баргидан, тоғ райхони ўтидан, бўймадорон ўсимлигидан, сув калампиридан, қушторон, калина илдизидан, арника гули, маккажўхори попуғи ва бошқалардан фойдаланилади [2, 3, 5, 6]. Республикамизда қайд этилган *Achillea* оиласига қирувчи 5 та бўймадорон ўсимлигининг энг кўп тарқалган тури - тубулғибаргли бўймадорон хисобланади. Тубулғибаргли бўймадорон ўсимлиги (*Achillea millefolium* L.) дамлама шаклида кон тўхтатувчи модда сифатида геморроидал ва яллиғланиш натижасида бачадондан кон кетишларда, фибромиомларда ишлатилади [8]. Яна шуни ҳам алоҳида таъкидлаш мумкинки, бўймадорон

препаратлари фибрин таъсири фаоллаштириб кон ивишини оширади, аммо ҳеч қачон тромб ҳосил бўлишига олиб келмайди.

Тажриба мақсади. Лаборатория ҳайвонларида тубулғибаргли бўймадорон ўсимлиги қурук экстрактини кон ивиш жараёнига таъсирини ўрганишдан иборат.

Тажриба усули. Препаратнинг кон-томир гемостазига таъсири периферик кондаги тромбоцитларнинг микдори, адгезия ва агрегация ҳолатларини, кон ивишининг ретракция вақтини, коннинг ажралиш вақтини аниқлаш орқали ўрганилди. Тажриба 24 та оғирлиги 165,5-178,0 г.ли лаборатория каламушларида ва 3 та 2,8-4,5 кг вазнли лаборатория куёнларида ўтказилди. Препаратнинг кон-томир гемостазига таъсири периферик кондаги тромбоцитларнинг микдори, адгезия ва агрегация ҳолатларини, кон ивишининг ретракция вақтини, коннинг ажралиш вақтини аниқлаш орқали ўрганилди. Қурук экстракт 100 мг/кг дозада оғиз орқали бир маротаба юборилди. Қон таҳлиллари куёнларнинг кулок венасидан препарат юборилгандан сўнг тажрибанинг 30, 60, 120 ва 180 дақиқаларида олинди. Тромбоцитлар адгезиясини С.И. Чекалин, спонтан агрегацияси *Wiu* ва *Ноак*, кон ивиш ретракциясини *I.S. Hirschboeck*, кон кетиш вақти ва ажралган кон микдорини *И.Э. Акопов* усуллари ёрдамида аниқланди. Қон ивиш жараёнининг умумий ҳолатини тромбоэластограмма усули бўйича аниқланди [4].

Тромбоэластограмма ёрдамида кон ивиш жараёнининг I ва II фазалари (R), тромбин константаси (K), протромбин константаси (R/K), коагуляция константаси (R+K), максимал амплитудаси (MA), эластиклик коэффициенти (E), тромбо - геморрагик потенциали (MA/S), гиперкоагуляция индекси (Ci), тотал кон ивиш константаси (R+K+t) кўрсаткичлари аниқланди.

Тажриба натижалари. Олинган натижаларга асосан тубулғибаргли бўймадарон курук экстрактини 60 дақиқа олдин олган хайвонларда

коннинг ивиш вакти 50, 100 ва 200 мг/кг дозаларда назорат гуруҳида олинган вақтга ($520 \pm 30,7$ сонияга) нисбатан мос равишда $400 \pm 30,0$; $150 \pm 20,0$ ва $208 \pm 16,1$ сониягача камайди (1-жадвал). Яъни, тубулғибаргли бўймадарон ўрганилаётган дозаларда коннинг ивиш вақтини назорат гуруҳидаги натижаларга нисбатан 1,3-3,5 маротабагача қисқартирди ва бу кўрсаткич бўйича энг юқори натижа 100 мг/кг дозада қайд этилди. (1-жадвал.)

1-жадвал

Тубулғибаргли бўймадарон ўсимлиги курук экстрактининг каламушларда кон кетиш вақти ва ажралиб чиққан кон миқдори таъсири ($M \pm m, n=6$)

Ўрганилаётган препаратлар	Юборилган доза, мг/кг	Кон кетиш вақти		Ажралиб чиққан кон миқдори	
		сонияларда	% да	Интакт кўрсаткич, мг	Препарат берилгандан сўнг, %
Назорат гуруҳи	H ₂ O	$520 \pm 30,7$	100	$186 \pm 15,0$	100
Тубулғибаргли бўймадарон курук экстракти	50	$400 \pm 30,0^*$	23	$100 \pm 10,2^*$	46
	100	$150 \pm 20,0^*$	71	$47 \pm 3,4^*$	75
	200	$208 \pm 16,1^*$	60	$60 \pm 4,4^*$	68

Изох: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатанаҳамиятли (* - $P < 0,05$)

Худди шу шароитда ажралиб чиққан кон миқдори эса, назорат гуруҳида олинган 186 ± 15 мг кўрсаткичга нисбатан 50, 100 ва 200 мг/кг дозаларда мос равишда $100 \pm 10,2$ мг, $47 \pm 3,4$ мг ва $60 \pm 4,4$ мг гача камайди. Бу ерда ҳам энг яхши натижа ўрганилаётган препаратнинг 100 мг/кг дозасида юборилганда қайд этилди.

Демак, тубулғибаргли бўймадарон ўсимлигининг курук экстракти ўрганилган дозаларда сезиларли даражада коагуляциян таъсирга эга бўлиб, коннинг ивиш вақтини ва ажралиб чиққан кон миқдорини назорат гуруҳидан олинган натижаларга нисбатан математик аниқлик даражада камайтиради.

Кейинги тажрибада тубулғибаргли бўймадарон ўсимлиги курук экстрактининг конни

ивиш жараёнига, тромбоцитлар миқдори ва уларнинг функционал фаоллигига таъсири ўрганилди. Ўрганилаётган препаратнинг 100 мг/кг дозада кон кетиш вақти ва ажралиб чиққан кон миқдори бошқа дозаларга нисбатан самарали таъсир кўрсатганлигини ҳисобга олган ҳолда, айнан шу дозада бир маротаба оғиз орқали юборилди. Олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.

Жадвалда келтирилган маълумотларга қараганда, тубулғибаргли бўймадарон ўсимлигининг курук экстракти 100 мг/кг дозада тажрибанинг 30-ва 60-дақиқаларида периферик кондаги тромбоцитлар миқдорини 43% га оширди ва нормага нисбатан ($350 \pm 24 \times 10^9$ /л) мос равишда 500 ± 35 ва $500 \pm 45 \times 10^9$ /л ни ташкил этди.

2-жадвал

Тубулғибаргли бўймадарон ўсимлиги курук экстрактининг тромбоцитлар миқдори ва уларнинг функционал фаоллигига таъсири ($M \pm m, n=6$)

Кўрсаткичлар	Препарат юборилгандан кейинги вақт, дақиқада				
	интакт	30'	60'	120'	1 кундан сўнг
Тромбоцитлар, 10^9 /л	350 ± 24	$500 \pm 35^*$	$470 \pm 45^*$	400 ± 23	$380 \pm 18^*$
Кон ивиш ретракцияси, дақиқада	$40 \pm 4,0$	$28 \pm 2,0^*$	$32 \pm 3,3^*$	$37 \pm 2,3^*$	$36 \pm 2,6^*$
Тромбоцитлар адгезияси, %	$20 \pm 2,4$	$46 \pm 3,0^*$	$33 \pm 2,4^*$	$21 \pm 3,0$	$21 \pm 3,0$
Спонтан агрегацияси, %	$32 \pm 2,5$	$64 \pm 4,6^*$	$35 \pm 2,4^*$	$31 \pm 2,7$	$33 \pm 3,1$

* - фарқлар интакт кўрсаткичларга нисбатан аҳамиятли (* - $P < 0,05$)

Тажрибани 120-дақиқасига бориб периферик кондаги тромбоцитлар миқдори нормага яқинлашиб $400 \pm 35 \times 10^9$ /л га тенг бўлди. Шунингдек, периферик кон таркибидаги тромбоцитларнинг функционал фаоллигини оширди

ва тажрибанинг 30-дақиқасида тромбоцитлар адгезиясини дастлабки кўрсаткичга ($20 \pm 2,4\%$) нисбатан $46 \pm 3,0\%$ га, 60-дақиқасида эса - $33 \pm 2,4\%$ га оширди. Ушбу ўзгариш тажрибани 120-дақиқасида деярли интакт кўрсаткичлар

билан тенглашди ($21 \pm 3,0$). Демак, тубулғибаргли буймадорон ўсимлиги курук экстрактивнинг таъсирида тромбоцитлар адгезиясини максимал ошиши тажрибанинг 30-дақиқасига тўғри келиб интакт кўрсаткичларга нисбатан 2,3 баробарга кўпайди. Бундан ташқари, тажрибанинг 30-дақиқасида ўрганилаётган препарат таъсирида тромбоцитлар адгезияси билан параллел ҳолатда тромбоцитлар агрегацияси ҳам ошди. Қондаги тромбоцитларнинг агрегацияланиш ҳолати тажрибанинг 30-дақиқасида интакт кўрсаткичларга нисбатан 2 баробарга ($64 \pm 4,6\%$) ошганлиги аниқланди.

Аммо тромбоцитлар адгезиясидан фарқли ўларок, тажрибани 60-дақиқасидан бошлаб бу кўрсаткич нормал ҳолатга қайтиб келди.

Препарат таъсирида қон ивишини ретракция вақти тажрибани 30- ва 60-дақиқаларида мос равишда 30% ва 20% га қисқарган. Тажриба натижаларига асосан, тромбоцитлар адгезияси, агрегацияси ва қон ивишини ретракция вақти кўрсаткичлари 1 кундан кейин интакт кўрсаткичларга деярли тенглашди.

Хулосалар.

1. Тубулғибаргли буймадорон курук экстракти 50, 100 ва 200 мг/кг дозаларда лаборатория каламушларида қон кетиш вақти ҳамда ажралиб чиққан қон миқдорини қисқартириб, қон ивиш жараёнини кўчайтиради. Препарат 100 мг/кг дозада берилганда бошқа ўрганилган дозаларга нисбатан кучлироқ гемостатик таъсирга эга эканлиги аниқланди.

2. Тубулғибаргли буймадорон курук экстрактивнинг гемостатик таъсир механизми унинг қондаги тромбоцитлар миқдорини ва уларнинг функционал фаолликларини ошириши натижасида қон кетиш вақтини қисқартириши билан изоҳланади.

3. Тубулғибаргли буймадорон ўсимлиги курук экстрактивни 100 мг/кг дозада қон тўхта-тувчи модда сифатида гемorroидал ва яллиғланиш натижасида бачадондан қон кетишларда, фибромиомаларда қўллашга тавсия этиш мумкин.

Адабиётлар

1. Абдуллабекова В.Н. Разработка методов контроля и стандартизация фитопрепаратов на основе флавоноидсодержащих растений Узбекистана: Автореф. Дис... д. фарм. наук. - Ташкент, 2010. - С. 32.
2. Аллаева М.Ж. Янги ўсимлик йиғмасининг қон ивиш жараёнига таъсирини ўрганиш // Табиий хом-ашёлар асосида дори воситаларининг олиниши, тахлили, қўлланишидаги ютуқлар: 9-10 октябрь 2006 й. даги проф. Р.Л. Хазанович таваллудининг 100 йиллигига бағишланган Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Тошкент, 2006. - Б. 232.
3. Алиев Х.У., Камиллов Х.М., Тухтаев Ф.Х. Тубулғибаргли буймадорон курук экстракти таблеткасининг биологик фаоллиги // *Kimyo va Farmatsiya*. - 2002. - №2. - Б. 45-48.
4. Балуда В.П. и др. Лабораторные методы исследования системы гемостаза. - Томск, 1980. - 124 с.
5. Пулатова Д.К. Фармакогностическое изучение тысячелистника таволголистного: Автореф. дис. канд. фарм. наук. - Ташкент, 2002. - 23 с.
6. Кортиков В.Н., Кортиков Ф.В. Полный справочник лекарственных растений. - М.: Феникс, 2002. - С. 800.
7. Кортусов В.Л. Эффекторы свертывания крови природного происхождения: Автореф. дис. ... канд. биол. наук. - Тюмень, 2007. - 30 с.
8. Холматов Х.Х., Харламов И.А., Мавланкулова З.И. Лекарственные растения Центральной Азии. - Ташкент: Изд-во мед. лит им. Абу Али Ибн Сино, 1998. - 296 б.

М.Ж. Аллаева, Г.Ю. Джанаев, Д.Д. Ачплов

Achillea millefolium L. ўсимлиги курук экстрактивнинг қон ивиш жараёнига таъсирини ўрганиш

Тубулғибаргли буймадорон курук экстракти 50, 100 ва 200 мг/кг дозаларда лаборатория каламушларида қон кетиш вақти ҳамда ажралиб чиққан қон миқдорини қисқартириб, қон ивиш жараёнини кўчайтиради. Препарат 100 мг/кг дозада берилганда бошқа ўрганилган дозаларга нисбатан кучлироқ гемостатик таъсирга эга эканлиги аниқланди.

Демак, препаратни 100 мг/кг дозада қон тўхта-тувчи модда сифатида гемorroидал ва яллиғланиш натижасида бачадондан қон кетишларда қўллашга тавсия этиш мумкин.

M.Dj. Allaeva, G.Yu. Djanaev, D.D. Achilov

Study of the influence of dry extract *Achillea millefolium* L. on condensing blood system

Dry extract of *achillea millefolium* l. in doses 50,100 and 200 mg/kg in laboratory rats, decreasing the bleeding time and the amount of blood flow, thus increasing the blood clotting process. When the drug was administered dose of 100 mg/kg, it was found that it had stronger hemostatic effects than other doses.

Proceeding from the above the drug may be recommended in 100 mg/kg dose as a bleeding agent for hemorrhoids and inflammation in uterine bleeding.

УДК 615(075.8)

С.Н. Умурзакова, Н.А. Юнусходжаева, И.Т. Хасанов, Б.А. Имамалиев

**ИЗУЧЕНИЕ ОСТРОЙ ТОКСИЧНОСТИ И ГЕМОСТАТИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ
ЖИДКОГО ЭКСТРАКТА «ГЕМОСТАВ»**

**«ГЕМОСТАВ» СУЮҚ ЭКСТРАКТИНИ ЎТКИР ЗАҲАРЛИЛИГИНИ ВА ГЕМОСТАТИК
АКТИВЛИГИНИ ЎРГАНИШ**

Ташкентский фармацевтический институт

«Гемостав» суюк экстрактини ўткир заҳарлилиги ва гемостатик активлиги ўрганилди. Натижаларга кўра суюк экстрактни яхши ўзлаштира олишлигига эгаллиги ва юқори доза берилганида ҳайвонларни ўлмаслиги аниқланди. «Гемостав» суюк экстрактини гемостатик активлиги газанда баргларида олинган дамлама билан киёсий ўрганилганда, «Гемостав»ни ишончли гемостатик активлиги борлиги аниқланди ва «Гемостав»ни газанда баргларида устун бўлган гемостатик активлиги аниқланди.

Таянч иборалар: ўткир заҳарлилик, гемостатик активлик, атопик дерматит. «Гемостав» суюк экстракти.

Профилактика и остановка кровотечений имеют важнейшее значение в различных областях клинической медицины, прежде всего в гематологии, хирургии, травматологии, онкологии, акушерстве и др. Зачастую препараты для остановки кровотечений, традиционно применяемые в медицинской практике, недостаточно эффективны и неспособны привести к действенному снижению кровопотери, что опасно развитием геморрагического шока, острого ДВС-синдрома, ишемии и некрозов жизненно важных органов. Это обусловлено широким разнообразием причин, способствующих возникновению гематомного и/или микроциркуляторного типа кровоточивости. Клинический опыт показывает, что при плановых хирургических вмешательствах на печени, почках, селезенке при целостности магистральных артерий и вен капиллярно-паренхиматозные кровотечения являются основными источниками операционной кровопотери. Для их остановки прибегают к местной гипотермии, используют лазерное облучение кровоточащих тканей, аппликацию жидкого азота, термо- и ультразвуковую коагуляцию, парентерально вводят свежезамороженную плазму и ее

продукты - факторы свертывания крови (изолировано или в различных комбинациях), амбен. эпсилон-аминокапроновую кислоту, ингибиторы сериновых протеиназ (трасилол, гордокс). адроксон, этамзилат, серотонин, окситоцин, питуитрин и ряд других препаратов, обладающих различными механизмами остановки кровотечений. В числе средств, обладающих местным гемостатическим эффектом, обычно используют тромбин, фибриноген, фактор XIII, аprotинин, фибриновые и полимерные пленки и композиции [1].

Всё выше сказанное делает актуальным создание и изучение фармакологических свойств новых фитокомпозиций, обладающим выраженным гемостатическим действием.

Целью исследования являлось изучение острой токсичности и гемостатической активности жидкого экстракта «Гемостав».

Материалы и методы исследования. Все исследования проводили на здоровых животных, прошедших карантин не менее 10-14 дней [2, 3, 4].

Объектом нашего исследования был (фармакологический препарат) жидкий экстракт «Гемостав», содержащий в своём составе: